Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 107 (6. 298) 1987 йил 11 май, душанба

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида меҳнаткашларнинг КПСС Марказий Комитетига келаётган хатлари ва ана шу хатларда баён этилган таклифларни XXVII съезднинг ҳамда КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумининг қарорларини бажариш юзасидан қилинаётган амалий ишлар давомида рўёбга чиқариш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Шу нарса мамнуният билан қайд этиб ўтилдики, коммунистлар ва партиясизлар ўз хатларида партиянинг ижтимоий турмуш барча соҳаларини қайта қуришга, иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга, демократияни, ошкораликни, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга қаратилган йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Кўпгина хатларда қайта қуришнинг назарий ва амалий масалалари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилади, янги шароитда ишлашнинг ижобий намуналари келтирилади, ишларни яхшилашга доир конкрет таклифлар киритилади. Шу билан бирга мавжуд камчиликлар, интизом ва тартибни бузиш, танқидни бўғиш ва ўтказилаётган ўзгартишларга қаршилик кўрсатиш фактлари тўғрисида хабар қилинаётган хатлар оз эмас.

КПСС Марказий Комитети партиянинг қайта қуриш йўлини меҳнаткашлар қўллаб-қувватлаётганли к л арини юксак қадрлайди ҳамда уларнинг зўр сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини амалга оширилаётган ўзгартишлар муқаррарлигининг, совет жамиятини ҳар томонлама тараққий эттиришнинг ғоят муҳим гарантияси, деб билади. КПСС Марказий Комитетининг бўлимларига, министрликлар ва идораларга, маҳаллий партия, совет, ҳўжалик органларига меҳнаткашларнинг таклифларини амалда рўёбга чиқаришга эътиборни кучайтириш топширилди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумига тайёргарлик кўриш жараёнида ана шу таклифлардан тўла-тўкис фойдаланиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Сиёсий бюро 1986—2000 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш Комплекс программаси қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқди. Мазкур программанинг топшириқлари ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу программани амалга ошириш билан боғлиқ қарорлари баъзи йўналишлар бўйича қониқарсиз бажарилаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Партия ва давлат органларига йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш чораларини кўриш таклиф қилинди. Аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш топшириқларини барбод этишга йўл қўйган министрликларнинг раҳбарлари шундай товарлар планда белгиланган даражада ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилдилар. Министрликлар коллегиялари ва партия комитетларининг эътибори товарларнинг сифати ва хилларини тубдан яхшилаш, уларни янгилаш суръатларини жадаллаштириш, жаҳон даражасига мос келадиган буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун кадрлар масъулиятини ошириш зарурлигига қаратилди.

Барча тармоқлардаги корхоналарнинг асосий фаолиятидан қатъи назар, ана шу корхоналарда ҳақ тўланадиган хизматларни ривожлантиришни жадаллаштириш, уй-жойларни ремонт қилиш ва қуриш, автомобилларга техника хизмати кўрсатиш, туризм ва экскурсиялар, физкультура ва спорт соҳасидаги хизматларга алоҳида эътибор бериш тавсия қилинди. Аҳолининг якка тартибдаги меҳнат фаолиятини активлаштириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида кооперативлар ташкил этиш ҳам таклиф қилинди.

Савдо ташкилотларининг ишини янги хўжалик механизми асосида қайта қуриш, буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турлари ва сифатини яхшилаш мақсадида шу ташкилотларнинг саноатга таъсирини кучайтириш, чакана товар оборотини планини сўзсиз бажариш, умумий овқатланишни ташкил этишни анча яхшилаш учун мавжуд резервлардан тўлиқроқ фойдаланиш вазифаси қўйилди.

Аҳолини товарлар ва хизматлар билан таъминлашда, пул даромадлари ва харажатларнинг мутаносиб бўлишида маҳаллий партия ва совет органларининг роли ҳамда масъулиятини кучайтиришга эътибор жалб қилинди. Планларда товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасининг ўн иккинчи беш йиллик топшириқларининг, Комплекс программанинг ҳамда партия ва ҳукуматнинг шу программа билан боғлиқ қарорларининг бажарилишини таъминлайдиган тарзда устун даражада ривожлантирилиши кўзда тутилиши зарурлиги уқтириб ўтилди.

Мажлисда ВЛКСМ XX съездининг якунларига мувофиқ ёшлар билан ишлашни янада яхшилаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Сиёсий бюро съездга комсомол ҳаётидагина эмас, шу билан бирга умуман совет жамияти ҳаётида ҳам катта сиёсий воқеа, деб юксак баҳо берди. Съезд йигит ва қизлар КПССнинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган йўлини батамом қўллаб-қувватлаётганликларини, ёш авлод қайта қуришдан иборат умумий ишга яна ҳам активроқ кўшилишга астойдил интилаётганлигини, социалистик демократия асосида ижтимоий турмушни соғломлаштиришда конкрет қатнашишга тайёр эканлигини яққол намойиш этди. Комсомол партия идеалларига ғоят содиқлигини яна бир бор кўрсатганлиги, партиянинг энг яқин ёрдамчиси ва ишончли резерви бўлишдек юксак бурчини тасдиқлаганлиги мамнуният билан қайд этиб ўтилди.

Партия ва комсомол ташкилотларининг эътибори турмушимизнинг барча томонларини революцион тарзда янгилаш, экономикани тубдан қайта қуриш, фан-техника тараққиёти учун курашга комсомолнинг ҳиссасини янада ошириш, ёшларда ижтимоий ҳодисаларни марксча-ленинча синфий позицияларда туриб идроклаш ва баҳолаш маҳоратини ҳосил қилиш зарурлигига қаратилди. Барча партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотлари ёшларнинг меҳнат, ғоявий-сиёсий, маънавий, ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационал тарбияси масалаларини ўзларининг биринчи навбатдаги ва кундалик вазифалари қаторига қўйишлари кераклиги уқтириб ўтилди.

Илгари қабул қилинган қарорларни контрол қилиш тариқасида Совет Иттифоқи билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар корхоналари ва бирлашмалари ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш, қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар тузиш ишларининг аҳволи кўриб чиқилди. Баҳамжиҳат ҳаракатнинг янги формаларини жорий этиш ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва кооперациялашни бутун чоралар билан ривожлантириш йўлида социалистик ҳамдўстлик давлатлари билан иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликнинг миқёсларини кенгайтириш ва унинг жўшқинлигини кучайтириш учун катта аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилди.


Янги интеграция формалари доирасида ҳамкорлик механизмини, аввало планлаштириш, нарх белгилаш ва моддий-техника таъминоти масалаларини мувофиқлаштириш борасидаги ишларни активлаштириш чоралари белгиланди. Мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишга партия таъсирини кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Франция Компартияси Бош секретари Ж. Марше билан учрашуви якунларини маъқуллади. Учрашув КПСС билан ФКП ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим босқич, иккала партиянинг тинчлик, демократия ва социализм учун курашга янгича ёндашувининг ифодаси бўлиб қолди. Европа ҳамда жаҳон сиёсатининг муҳим бўғини бўлган СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан КПСС ва ФКПнинг умумий манфаатдорлиги қайд этиб ўтилди. Совет ва француз коммунистлари ҳар қандай ғовларга қарамай, бундан буён ҳам иккала мамлакат ўртасида нормал, ўзаро манфаатли муносабатлар учун курашаверадилар, совет ва француз халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ҳамда дўстликка кўмаклашаверадилар.

Сиёсий бюро М. С. Горбачев ва Э. А. Шеварднадзенинг Мексика ташқи ишлар министри Б. Сепульведа билан ўтказган музокаралари ҳамда суҳбатларининг якунларини маъқуллади. Ана шу музокаралар ва суҳбатлар халқаро хавфсизлик, қуролсизланиш ва ривожланиш, хатарли кескинлик манбаларини бартараф этиш масалаларида Ғарбий ярим шардаги ана шу энг катта мамлакат билан ҳамжиҳатликни мустаҳкамлади, шунингдек ўзаро манфаатли ва ҳар иккала томонлама ҳамкорликнинг янги имкониятларини кўрсатиб берди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ички ва ташқи сиёсатнинг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Замондошимиз



Коллектив фахри

Қайси касбда ишлашидан қатъий назар ўзининг ҳалол меҳнати билан халқ фаровонлигини оширишга, жамиятни янада равнақ топтиришга камтарона улуш қўшиш бугунги бунёдкор авлоднинг эзгу мақсадидир. Қаёққа қарамайлик, улар ишининг самараси кўзга ташланади. Буюк ўзгаришлардан қалб тўлқинланади. Улуғ Октябрнинг шарофати туфайли Шарқнинг машъалига айланган бугунги Тошкент шаҳрининг толмас билакли ана шундай фидойи меҳнатчилари орасида Василий Михайлович Панферов ҳам бор. Бу ёш ишчи бир неча йилдан бўён «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-цехида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

— Василий коллективимиз фахри, — дейди цех партия ташкилотининг секретари, бригада бошлиғи Роман Иванович Павлов. — У ўзининг фидойилиги, берилган топшириқни доимо пухта уддалаши билан касбдошлардан ажралиб туради. Бой иш тажрибасига эга. Қолаверса, коллективимиздаги энг яхши ишчи ҳамдир.

Бригада ленинградликларнинг кўп сменалилик ҳаракатини биринчилар қаторн қўллаб-қувватлаган. Шу боисдан ҳам қисқа фурсатдаёқ уч сменалик иш режимига ўтилди. Ҳозир коллективдаги 57 ишчи ўзига қулай сменада зарбдорчасига ишламоқда. Бунинг эвазига пешқадам коллектив аъзолари корхона меҳнатчиларн ўртасида Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада карвонбошилик қилишмоқда. 7 ноябрга қадар ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини бажариш ҳар бир ишчининг шон-шараф иши, асл мақсадига айланиб қолган.

Тажрибали ишчи, ВЛКСМ аъзоси, «Ҳурмат Белгиси» орденн нишондори Василий Михайлович кўзлаган марра эса бундан ҳам юксакроқ. У қутлуғ айёмгача амалдаги беш йилликнинг икки ярим йили планини уддаламоқчи. Ёшликка хос ғайрат-шижоатнинг бу кўринишн она-Ватанимизга муҳаббатнинг, Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлашга бўлган садоқатнинг ёркин тимсолидир.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТДА: Василий Михайлович Панферов.
Р. Шамсуддинов фотоси.
ЎзТАГ.

Қардошлик қонунига биноан

Студентлар ёрдами

Тошкент областининг табиий офатдан зарар кўрган районлари аҳолисига ёрдамга бутун республика меҳнаткашлари отландилар. Офат оқибатларини тугаллашга киммдир ўз меҳнати билан кўмаклашса, яна бошқа кишн моддий томондан мадад бермоқда. Шаҳримиз ташаббускорлари орасида Тошкент Давлат университетининг комсомоллари ҳам бор.

Физика факультети студентлари ўз йиғилишларида оғир дамларда бир-бирларига мададкор бўлиш совет кишиларининг энг яхши фазилатларидан бири эканлигини тилга олдилар. Йиғилиш қарорига биноан офатдан зарар кўрганлар оилаларига кийим-кечаклар жўнатишга қарор қилинди. Талабалардан Махамадали Пардаев, Дилфуза Тожибоева, Барно Қаюмова, Зариф Асилов, Шуҳрат Отажонов сингарилар харид қилинган буюмларни районларга жўнатишда жонбозлик кўрсатдилар.

Ш. ҲОЛИҚОВ.

21 июнь — маҳаллий Советларга сайловлар куни

МУНОСИБ НОМЗОД

Республикамиз пойтахтида халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш юксак меҳнат ва сиёсий активлик вазиятида ўтмоқда. Сайловолди йиғилишларининг иштирокчилари давлат ва жамиятни бошқаришда меҳнаткашларга кенг имконият лар бераётган совет демократиясининг улуғворлиги ҳақида фахрланиб гапирмоқдалар.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси меҳнатчиларининг ўз номзодларини кўрсатишга бағишланган йиғилиши ҳам шундай кўтаринкилик вазиятида ўтди. Йиғилиш қатнашчилари шаҳар Совети депутатлигига механик-созловчи Аҳмаджон Бобохонов, тўқувчи-мастер Нина Ставцева, катта мастер Наима Тошхўжаева номзодларини муҳокама этдилар. Қизғин баҳс ва мунозара остида ўтган мазкур йиғилишда меҳнатчилар ўз номзодларининг фабрика ижтимоий ҳаётидаги иштироки, инсоний фазилатлари хусусида очиқ гапирдилар. Улар А. Бобохонов, Н. Ставцеваларнинг ижобий фазилатлари, меҳнатдаги ютуқ ва камчиликларини эътироф этган ҳолда шаҳар Совети депутатлигига кўпчилик овоз билан Н. Тошхўжаева номзодини кўрсатдилар.

— Фабрикада 27 йилдан бери ишлаб келяпман, — дейди Наима Тошхўжаева.— Даставвал каштачилик ҳунари сирларини ёрдамчи сифатида ўрганишга киришган эдим. Мана, йиллар ўтиб, энди мен ҳам кўплаб шогирдларга мураббийлик қиляпман.

У фабрика хотин-қизлар кенгашининг аъзоси сифатида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Шунингдек, янги ташкил қилинган меҳнат коллективлари совети ишида ҳам унинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Ишчилардан тушадиган кўплаб саволлар, таклифлар бу советда изчиллик билан кўриб чиқиляпти. Бундан ташқари шахсий турмушга алоқадор муаммоларни ҳал этишда ўзининг қимматли маслаҳатлари ва амалий ёрдами билан кишиларга яқиндан кўмаклашмоқда.

Н. Тошхўжаева бошчилик қилаётган бригада аъзолари ўз сардорларининг номзоди шаҳар Совети депутатлигига кўрсатилганидан ғоятда мамнунлар.

М. НАЗАРОВ.

МУСОБАҚА АСОСИДА

Қурилиш майдонларида

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига умумхалқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этаётган «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 1-монтаж бошқармасига қарашли Николай Силин етакчилик қилаётган бригада аъзолари ой сайин қувончли натижаларга эришмоқдалар.

Аҳил коллектив 9 кишидан иборат. Азаматлар ҳар бир объектда сифат ва суръатни шиор қилиб олишгани туфайли апрель ойи плани доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 117 йиллиги тантана қилинаётган кезларда бажарилгани ҳақида ғалаба рапортига имзо чекишди. Натижада юбилей йилининг тўрт ойлик топшириғи 118 процент адо этилди.

Ҳозирги кунда бригада азаматлари пойтахтимизнинг Космонавтлар проспекти ҳамда Сапёрлар кўчаси муюлишида қад ростлаган 9 қават 342 квартирали турар жой биносида канализация, сув, иситиш тармоқларини ўрнатмоқдалар.

Бригада аъзоларидан Юрий Федотов, Геннадий Новожилов, ака-ука Юлдуз ва Фарид Галихановлар ғайрат-шижоат кўрсатиб, коллектив эришаётган муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшиб келишмоқда.

— Коллективимиз қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ниятида йил бошидан буён оқилона иш юритмоқда, — дейди бригада етакчиси Николай Иванович Силин. — Юбилей йилида барча соҳада яхши натижаларга эришишга асдойдил ҳаракат қилаяпмиз.

Шу кунларда бригада азаматлари ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили планини шараф билан бажариш учун ўзаро мусобақани янада авж олдиришмоқда.

Э. ТЎЛАГАНОВ.



ХАЛОС ЭТИЛГАН ДУНЁ АСЛО УНУТМАЙДИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари ажойиб байрамни — совет халқининг Улуғ Ватан урушида фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабасининг 42 йиллигини бутун мамлакат билан, қардош социалистик мамлакатлар билан, бутун тараққийпарвар инсоният билан бирга нишонладилар. Ғалаба совет тузумининг енгилмас кучини, социализм ва маркса-ленинча идеологиянинг афзаллигини, жамиятимизнинг жипслигини тўла намоён қилди, бутун жаҳон тарихининг боришига таъсир ўтказди. Ленинчи Коммунистик партия раҳбарлик қилган шонли Совет Армияси жангчилари, бутун совет халқи маккор душманни яксон этиш, Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш, Европа халқларини фашизм қуллигидан халос этиш учун мислсиз қаҳрамонлик ва фидойилик кўрсатдилар.

9 май куни Ўзбекистон пойтахтининг В. И. Ленин номи билан аталган Парадлар хиёбонига келувчиларнинг кети узилмади. Улар Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Ильич ҳайкали пойига гуллар, Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгаши номидан, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети номидан, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети номидан, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари номидан, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети номидан, Тошкент корхоналари ва ташкилотларининг меҳнат коллективлари номидан гуллар ва гулчамбарлар қўйилди.

Афғонистон Демократик Республикаси Саманган вилоятининг делегацияси ҳам гуллар ва гулчамбарлар қўйди.

Уруш йилларида Тошкент госпиталларида ҳаётдан кўз юмган яралор жангчилар дафн этилган Ҳарбий қабристондаги «Мотамсаро она» ҳайкали пойига, генерал С. Раҳимов ҳайкали пойига, Коммунарлар хиёбонидаги Бородарлик қабристонига ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Гимнларининг улуғвор садолари янграйди. Фахрий қоровул ротаси шаҳдам одим ташлаб ўтади.

Ҳарбий қабристонда кўп одамлар иштирокида митинг бўлди. Митингда сўзга чиққан Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Э. А. Воробьев, Берлинни штурм қилишда қатнашган Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. А. Голубенко, Тошкент давлат университетининг студенти, яқиндагина Афғонистондаги чекланган совет қўшинлари контингенти составида интернационал бурчини бажариб келган А. Қодиров, Тошкентдаги 114-мактаб ўқитувчиси М. Мўминова совет халқи гитлерчилар фашизми устидан қозонилган Ғалабанинг сўнмас аҳамияти тўғрисида, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган кишиларнинг порлоқ хотираси миннатдор авлодлар қалбида абадий яшаши ҳақида гапирдилар. Нотиқлар уруш даҳшатлари ҳеч қачон такрорланмаслиги учун, тинчлик учун курашишга чақирдилар. Ер куррасидаги барча одамлар тинч, мусаффо осмон остида меҳнат қилишлари керак. Митинг қатнашчилари Советлар мамлакатининг тинчликсевар сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлашлари, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олишга, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга салмоқли ҳисса қўшишга тайёр эканликлари ҳақида гапирдилар.

Ғалаба куни шарафига Тошкент отчопарида қизиқарли ҳарбий-спорт байрами бўлди. Улуғ Ватан урушн ветеранлари ўша суронли йилларни эслатиб, минбарлар олдидан ўтдилар. ДОСААФ спортчилари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Туркистончи жангчилар машқ жангида Ватанимизнинг жанубий сарҳадларини ҳимоя қилишга тайёр эканликларини, малака ва маҳоратларини намойиш қилдилар. Чавандозлар пойгаси ҳам яхши таассурот қолдирди.

Кечқурун В. И. Ленин номли майдонда республика пойтахти аҳолиси ва меҳмонларидан минглаб кишилар театрлаштирилган катта бадиий-спорт томошаларини кўрдилар.

Байрам салютининг анвойи ранглари билан нурафшон бўлган шаҳар майдонлари ва кўчаларида оммавий сайиллар ярим кечагача давом этди.

Ғалаба кунига бағишланган байрам тадбирларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, Р. Н. Нишонов, В. И. Огарок, Н. И. Попов, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ғ. З. Зақриддинов, И. Искандаров, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Сударенков, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

* * *

СУРАТЛАРДА: Тошкентда совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабасининг 42 йиллигига бағишланган тантаналардан лавҳалар.

В. Молгачев ва В. Белоплотов фотолари.

ВЛКСМ

Тошкент комсомоли

№ 5 (205)

Зарбдор вахтада

Тошкент экскаватор ремонти тажриба-механика заводи комсомол-ёшлари ҳозирги кунда КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, план-топшириқларини муваффақиятли бажаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Қуйида жамоатчи мухбиримизга корхона комсомол комитетининг секретари О. Комилев қуйидагиларни гапириб берди:

— Улуғ Октябрь 70 йиллигига комсомол аъзоси ва ёшлар муносиб меҳнат совғалари тайёрлашга интиляпти. Илғор комсомол-ёшлар кунлик топшириқларни ўртача 110—120 процентдан бажаришмоқда.

Заводда 295 нафар комсомол-ёшлар бор, улар ўзларига юклатилган топшириқларни бажаришдан ташқари, завод жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқдалар. Актив комсомоллардан: инженер-технолог Т. Маҳкамов, мастерлар М. Муродов, В. Колбасин, инженер П. Мирзақулов ва бошқалар коллектив ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонишмоқда.

Айрим комсомол-ёшлар бригадалари 1987 йил мажбуриятларини бажариб, ҳозирги кунда 1988 йил февраль ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Биринчилар қаторидан ўрин олган бригадалардан бирига коммунист Абдумалик Раҳимов раҳбарлик қилади. Кўпчилик комсомоллар кечки олий ўқув юртларида ҳамда техникумларда таълим олишяпти. Улар билган билимларини практикада дадил қўллашмоқда.

Заводда мусобақанинг коллектив ва индивидуал формасига катта аҳамият бериляпти. Мажбуриятларнинг бажарилиши, комсомолларнинг ўз бурчларини қандай бажараётганликлари комсомол йиғилишларида, комсомол комитетининг мажлисларида мунтазам кўриб чиқиляпти. Мусобақани якунлашда меҳнат интизоми ва жамоат топшириқлари қандай бажарилаётгани албатта ҳисобга олинмоқда. Цехлараро юбилей олди социалистик мусобақаси кенг қулоч ёзган. Улар орасида ёшлар сони тобора ортиб бормоқда. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун юқорида номлари қайд этилган комсомол-ёшлар маҳсулот сифатини ошириш, таннархини камайтириш ва ишни тубдан яхшилашга интилмоқдалар.

Завод маъмурияти, касаба союз ва комсомол комитетлари пешқадам ёшларни пул мукофотлари ва кўчма вимпеллар билан тақдирламоқда. Заводнинг ўндан ортиқ комсомолларига дам олиш учун туристик путёвкалар ажратилган. Заводнинг А. Исамуҳамедов, Г. Попов бошчилик қилаётган цехларида маҳсулот сифатини ошириш учун назорат кучайтирилган. Бунда ёшларнинг роли катта бўлмоқда.


У. МУҲАМЕДОВ.

Ҳ И С С А

Трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли 2-троллейбус депоси шаҳримиздаги кўпмиллатли коллективлардан бири. Депода 22 миллат фарзанди аҳил оиладек меҳнат қилмоқда. Улар жамоатчилик ишларини ҳам ҳамжиҳатликда бажараяптилар. Ҳар бири ўз олдига йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишни мақсад қилиб қўйган.

— Транспортнинг аниқ маромда ишлашини таъминлаш бизнинг асосий вазифамиздир, — дейди депо директорининг эксплуатация бўйича ўринбосари Н. Аҳмедов. — Бунинг учун барча чораларни белгилаяпмиз. Ремонтчиларимиз троллейбусларнинг устахонада туриб қолмаслиги учун курашаяптилар. Ҳозир ҳар куни 118 ўрнига 120-125 тадан троллейбусни рейсга чиқаришга эришаяпмиз. Улар 110 мингдан кўпроқ пассажирнинг узоғини яқин қилмоқда. Айни чоқда электр энергиясини тежашга ҳам жиддий эътибор беряпмиз. Ҳайдовчилар ўз вазифаларини бажариш билан чегараланиб қолмаяптилар. Улар шаҳримизни ободонлаштиришда ҳам жонбозлик кўрсатяптилар. Шанбаликларда 250 тупга яқин мевали, 200 тупдан кўпроқ манзарали дарахт, 600 тўпдан ортиқ турли гуллар, 2 минг туп «яшил тўсиқ» кўчатларини экиб қўйдилар. Бу ишларда коллектив ҳар бир транспортчисининг, ёшларнинг ҳиссаси катта.

Ҳ. ЖУМАНАЗАРОВ.



С. Каднщев номли 33-авиация ҳунар-техника билим юртини битириб чиққанларнинг кўпчилиги В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида фаол иш олиб боришяпти. Бу билим юрти корхонада бўлажак ишчи-ёшлар тайёрлашнинг ўзига хос кадрлар ўчоғи бўлиб қолган. Бу ерда «Янги техника» тўгараги ишқибозлари кўп.

СУРАТДА: ёш моделчилар машғулот пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

ТИНЧЛИК ФОНДИ УЧУН

Қурувчи-комсомоллар йиғилишда ўзларининг бир кунлик иш ҳақини Тинчлик фондига ўтказишга қарор қилишди.

«Главташкентстрой»нинг 3-уйсозлик комбинатига қарашли 40-қурилиш бошқармасининг комсомол-ёшларидан А. Асқаров, Б. Шарипов, Х. Худойберганов, А. Убаев сингари пешқадамлар ҳозирги кунда фаол меҳнат қилмоқдалар.

Р. ЖУМАНОВ.

СТУДЕНТЛАР АКТИВЛИГИ

С. Раҳимов районидаги Абу Райҳон Беруний номли маҳалла комитети аъзоларининг Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларига Очиқ хатини ўқиб чиққач, Тошкент маданият институтининг студентлари ҳам серқуёш республикамиз пойтахти — Тошкентни намунали шаҳарга айлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилган эдилар. Педагог ва студентлар кўкаламзорлаштириш икки ойлигида актив қатнашдилар. Эрмат Йўлдошев, Даврон Отабоев, Одил Қорабоев каби илм ихлосмандлари машғулотларда пухта билим олиш билан бирга, бўш вақтларида институт территориясига манзарали ва мевали дарахтлар, турли гуллар экишда ҳам иштирок этдилар, кўчатларни зараркунанда ҳашаротлардан тозалаш учун дорилашда фаоллик кўрсатдилар.

Ғ. ЕРМАТОВ,
студент.

ЖАҲОН ЁШЛАРИ

ЮНЕСКОнинг маълумотларига кўра, жаҳондаги 14 ёшгача бўлган 40 миллион бола фабрика, ферма, майда корхоналарда ва ҳоқазоларда ишлаяпти. Ишлаб чиқариш билан банд бўлган ёшлар (25 ёшгача) АҚШ ва Францияда 25, Японияда 45, Италияда 50 процентни ташкил этади. Капиталистик мамлакатларнинг армияларидаги 20 миллиондан ортиқ солдат ҳам ёшлардан иборат.

Ҳозирги вақтда Европа ва Шимолий Америкадаги капиталистик мамлакатларда 23 марксчи ёшлар ташкилотлари ва 8 марксчи студентлар бирлашмалари ишлаб турибди. Жаҳон демократик ёшлар федерацияси, Халқаро студентлар иттифоқи — империализмга қарши, тинчлик, демократия, социал тараққиёт учун, ёш авлоднинг сиёсий, социал, иқтисодий ҳуқуқлари ва ҳаётий манфаатлари учун курашувчи ёшлар ва студентларнинг халқаро бирлашмаларидир.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ташкилотлари эса 60 миллиондан ортиқ йигит ва қизни бирлаштирган. ВЛКСМ ўз сафига 42 миллиондан кўпроқ совет ёшларини бирлаштирган.

И. ШОЯМАРДОНОВ тўплаган.

Расмиятчиликка ўрин йўқ

Ҳар бир комсомолнинг ўрнини қайта қуришнинг энг қийин, энг масъулиятли участкаларидадир. В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон-техника заводи комсомол комитети ҳам ўз ишини қайта қуришга қатъий киришган.

Заводда ёшлар кўп. Цехларда 1700 нафар оловқалб ёшлар тер тўкмоқда. Улар саккизта комсомол-ёшлар бригадалари ташкил этганлар. Коллективларга эса ўз касбининг усталари бошчилик қиляптилар. Айниқса, коммунист Татьяна Гусева, ВЛКСМ аъзоларн Мария Абзанова, Эльвира Мингулова кабилар етакчилик қилаётган бригадалар корхонада пешқадамлар сафида бораяптилар.

Шу кунларда комсомол-ёшлар миқдор кетидан қувмай, сифатни яхшилаш ҳақида бош қотиряптилар. Ҳар бир ўтюрак ўз ишини қайта кўриб чиқмоқда. Йўл қўйган хатоликларни такрорламасликка, юз бериши мумкин бўлган нуқсонларнинг олдини олиш имкониятини қидираяпти. Бу ҳақда завод комсомол комитетининг секретари Карен Бабажанян шундай ҳикоя қилади:

— Қайта қуришни амалга ошириш учун аввалам бор, ҳар бир комсомол ўзини тарбиялаши, сиёсий онги, билими, маҳоратини ошириши, қисқача қилиб айтганда, қайта қуришни ўзидан бошлаши керак. Яқинда бўлиб ўтган ВЛКСМнинг XX съедида ҳам бу ҳақда гапирилди.

— Комсомол комитети эски иш услубининг нималаридан воз кечди!

— Комсомол ҳаётига расмиятчилик, бюрократизм илдатлари суқулиб кирган эди. Расмиятчиликдан амалий ишга кўчаяпмиз. Жумладан, бригадаларда юзага келган муаммоларни ечишда, топшириқларни ёшларга етказишда асосан телефондан фойдаланар эдик. Биз ундан воз кечдик. Ҳозир цехлар билан бевосита алоқадамиз. Комсомол мажлисларини ўтказишда ҳам ўзгаришлар қилинди. Яқиндагина Т. Гусева бошлиқ бригадада бўлиб ўтган йиғилишни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Унда битта аниқ масала — бригаданинг «шахсий тамға»га эга бўлиш-бўлмаслик масаласи кўриб чиқилди. Агар текширув вақтида бironта брак аниқланса, «шахсий тамға» босиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар. Йиғилишда ҳар бир комсомол аъзоси ўз фикни билдирди.

Корхонада талайгина ўзгаришлар, янгиликлар қилинди. Ўтган йили охирида давлат қабули комиссияси иш бошлашга тайёргарлик кўрарди. Тажриба бир томондан самара бериб, маҳсулот сифати яхшиланиб бораётган бўлса, бошқа томондан баъзи ишчилар ишдан бўшаш ҳақида ариза ёза бошладилар. Улар орасида «устозлари» изидан бораётган комсомол-ёшлар ҳам бор эди. Комсомол комитети сабабларни аниқлашга киришди. Ишдан бўшаётганлар билан суҳбатлашилди.

Партия ва комсомол ташкилотлари тарғибот ишларини кучайтиришди. План, пул кетидан қувиб, пала-партиш ишлайдиган кишиларнинг онгига, дилига ижобий фикрларни сингдириш осон бўлмади.

Агар биринчи цех ишчилари браккa йўл қўйса, иккинчи цехдагилар ундан сифатли бирон нарса чиқараоладими! Йўқ, албатта. Уз камчиликларининг тагига етган ишчилар маслаҳатлашиб ҳар бир муаммони ишчи виждони билан муҳокама этдилар. Уларга ҳозирги даврда, умуман ҳеч қачон ҳовлиқмасликка йўл қўйиб бўлмаслиги уқтирилди. Бир кунда шошма-шошарлик билан сифатсиз 50 та маҳсулот тайёрлагандан кўра, масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда сифатли 30 та буюм ишлаб чиқарилгани саноат учун ҳам, мамлакатимиз учун ҳам, қолаверса аҳоли учун ҳам фойдали эканини тушунтиришга муваффақ бўлинди.

— Олдингизда қандай муаммолар турибди! — сўраймиз К. Бабажанянидан.

— Муаммоларни вақтида ҳал этилмаган камчиликлар келтириб чиқаради. Ҳозир биз цехлардаги ҳар қандай нуқсонни ўз жойида ечишга уринаяпмиз. Ишимизни яхши йўлга қўйишимизга ҳалал бераётган, бизга боғлиқ бўлмаган тўсиқлар бор. Илгарилари қоғозбозлик авж олган бўлса, ҳозир комиссияларнинг кети кўринмаяпти. Ўтган тўрт ой ичида муттасил текширувчиларнинг кутиш билан машғул бўлдик. Уларнинг ҳар бирига ташкилотимиз ишлари ҳақида батафсил сўзлашимиз, справкалар тайёрлашимиз, протоколларни кавлаштириб, кўрсатишимиз зарур. Биз ижодий ва мустақил ишлаш ўрнига статистчига ўхшаб қолаяпмиз. Ўзимизнинг белгиланган тадбирларимиз, муҳокама этишимиз лозим бўлган масалаларимиз бир чеккада қолиб кетаяпти. Комсомол-ёшларимизнинг бўш вақтларида дам олишлари учун шароит яратиш лозим. Ҳозир тез-тез дискотека ташкил қилмоқдамиз. Бироқ, турли йиғилишлар, кечалар, учрашувлар, касб мусобақалари ўтказишимиз учун клубимиз йўқ.

Ёшларнинг олдига қўйган вазифалари, орзу-ўйлари талайгина. Улар ёшлар кафеси очишни орзу қиладилар. Соғломлаштириш майдони, дам олиш зонаси қуриш планлаштирилган.

Етарли шароит бўлмаса ҳам комсомол комитети бу йил «Ўз касбининг моҳир устаси» конкурси, бадиий ҳаваскорлар кўриги, «Балли, йигитлар мусобақалари ўтказди. Шу кунларда Е. Адаева, О. Сандер, М. Дё, О. Қодирова, С. Пальчик, Т. Аъзамова, А. Ялничев, В. Мартенов, И. Засипкина кабилар жамоатчилик ишларида ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам фаол қатнашиб, тенгқурларига намуна бўляптилар. Уларнинг ёшлик ғайрат-шижоати туфайли комсомол-ёшлар бригадаларн план ва социалистик мажбуриятларини шараф билан бажараяптилар. Азаматларнинг эзгу ниятн Улуғ Октябрнинг 70 йиллик тўйига арзигулик совға тайёрлашдир.

М. ДАМИНОВ.

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Франция газеталарининг бирнчи саҳифаларида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг ФКП Бош секретари Ж. Марше билан учрашуви тўғрисидаги ахборот босилган. «Юманите» газетасининг таъкидлашича, Совет раҳбари билан Франция коммунистларининг раҳбари ўртасида 1985 йил сентябрида бўлиб ўтган аввалги учрашувдан буён жаҳонда бутун ижтимоий ривожланишга чуқур таъсир ўтказаётган жуда катта силжишлар рўй берди. Совет Иттифоқининг ядровий қуролсизланишга, химиявий қуролни тугатишга, оддий қурол-яроғларни қисқартиришга қаратилган таклифлари ва тадбирлари туфайли мислсиз имкониятлар очилмоқда, деб уқтиради газета. Москвада Франция Компартияси қуролсизланиш соҳасида М. С. Горбачев ўртага қўйган ташаббуслар комплексини тўлатўкис қўллаб-қувватлаётганлиги баён қилинди, деб ёзади «Котидьен де пари» газетаси. КПСС ва ФКП ядро уруши хавфига қарши курашда содиқ сафдошлар бўлиб майдонга чиқмоқдалар, деб уқтиради Франциянинг ана шу нуфузли газетаси.

Музокаралар натижасида «Ядро хавфини камайтириш масалалари билан шуғулланувчи марказлар ташкил этиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида битимлар»нинг биргаликдаги лойиҳалари ишлаб чиқилганлигини турли йўналишлардаги газеталар КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ президенти Рейган ўртасида 1985 йилнинг ноябрь ойида Женевада эришилган аҳдлашувларни рўёбга чиқариш соҳасидаги амалий қадам, деб атамоқдалар. Икки буюк давлат ўртасида ядровий мозаро хавфининг камайтирилиши ана шу аҳдлашувлар натижаси бўлади, деб уқтиради Лондонда чиқадиган «Гардиан» газетаси. Газетанинг ёзишича, бундай битимга эришилганлиги бошқа соҳалардаги музокаралар учун «Маънавий тезлатгич» бўлиб хизмат қилади.

●

ЧССР матбуотида бугун чехлар ва словакларнинг фашистлар зулмига қарши қуролли кураши тугаганлигининг, Чехословакияни Совет Армияси озод қилганлигининг 42 йиллигига бағишланган материалларга катта ўрин берилган. Қаҳрамон совет халқи, деб ёзади «Руде право» газетаси, иккинчи жаҳон урушидаги ғалаба ишига ва мамлакатимизни озод этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшди.

●

Венгриянинг «Непсабадшаг» газетаси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг турли формаларини такомиллаштириш тўғрисида сўз юритади. Самарали баҳамжиҳат ҳаракатнинг янгиянги йўлларини қидириб топишга, корхоналар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатишга, давлатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорликни такомиллаштиришга интилиш зарур, деб таъкидлайди газета.

●

«Нян зан» газетаси ва Вьетнамнинг бошқа газеталари ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мамлакатда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини байрам қилиш тўғрисидаги қарорини эълон қилган. КПССнинг XXVII съезди Октябрь Ватани халқларнинг социализм ва коммунизм учун олиб бораётган курашида муттасил авангардлик ролини ўйнаётганлигининг, ленинча революцион руҳ, янгиланишга дадил ва реал ёндашувнинг, совет жамияти турмушида чуқур ўзгаришлар амалга оширилаётганлигининг намунаси бўлди, дейилади ҳужжатда.

●

Англиянинг «Таймс» газетаси ўзининг редакцион мақоласида Ғарбий Европа мамлакатларининг ўртача олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги масала юзасидан тутаётган позициясига тўхталиб, НАТО кенгаши мажлисининг кечиктирилганлиги Ғарбда чуқур ихтилофлар борлигидан далолат беради, деб уқтиради. Маълумки, ана шу мажлисда иттифоқчиларнинг мазкур проблемага ягона ёндашуви ишлаб чиқилиши керак.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ГАВАНА. Пойтахтдаги Хосе Марти номли халқаро аэропортда Кубанинг «Кубана де авиасьон» компаниясининг Гавана — Москва — Гавана маршрути бўйлаб мунтазам рейслари очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Илгари ана шу линияда фақат «Аэрофлот самолётлари учар эди». Куба компаниясининг самолётлари ҳафтада бир марта учади. Маросимда сўзга чиққан Куба граждан авиацияси институтининг президенти Луис Орландо Домингес Совет Иттифоқи билан Куба ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш учун янги ҳаво йўли катта аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.

● МАНАГУА. Никарагуа мудофаа министрлигининг сешанба куни Манагуада тарқатилган маълумотида хабар қилинишича, сомосачи ёлланган қисмлар 5 апрелдан 5 майгача Сандиночилар халқ армиясидан жиддий мағлубиятга учрадилар. Шу давр ичида америкалик ёлланганлардан 723 киши ўлдирилди, 130 дан ортиқ киши ярадор қилинди ва ўнлаб кишилар асир олинди. Шу вақт мобайнида, деб уқтирилади ҳужжатда, контраслар граждан аҳолисига қарши 42 марта террорчилик хуружи ўтказди. Натижада 23 киши ҳалок бўлди, 20 киши жароҳатланди ва 69 кишини каллакесарлар асир қилиб олиб кетдилар.

● ТОКИО. Япония Бош министри Накасонэ парламентда ўзининг АҚШга қилган визити иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий зиддиятларни сусайтирмаганлигини тан олди. Президент Рейган ва Америка маъмуриятининг бошқа вакиллари билан бўлиб ўтган музокараларнинг натижалари Япония — Америка муносабатларидан урушдан кейинги даврдаги мислсиз кескинликни камайтириш учун «кифоя қилмади», деди Бош министр парламент юқори палатасида социалистик партия вакилининг саволига жавоб қайтариб. Накасонэнинг визити чоғида АҚШдан Японня электрон компанияларига нисбатан иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш тўғрисидаги илтимосномага конкрет жавоб олинмади.

Арафатнинг матбуот конференцияси

ҚУВАЙТ. Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат арабларнинг сафларини жипслаштиришга чақирди. Бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаган нутқида Арафат Фаластин масаласи хусусида арабларнинг умумий бир позициясини ишлаб чиқиш вақти келганлигини айтди. Бу Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференция ўтказилишига кўмаклашган бўлур эди, мазкур конференцияни ФОТ иштирокидагина чақириш мумкин.

Фаластин Миллий кенгашининг Жазоирда тугаган сессияси муваффақиятли ўтди, деди Я. Арафат. ФОТ ўзи маъқуллаган принципларга амал қилаверади. Сессиянинг Фаластин бирлигини тиклаш ишидаги муваффақиятини босиб олинган территориядаги ҳамда унинг ташқарисидаги барча фаластинликлар астойдил маъқуллаб қутиб олдилар. ФОТ Фаластин халқининг бирдан-бир қонуний вакили бўлиб қолаверишини халқимиз яна тасдиқлади.

ФОТ ижроия комитетининг раиси Яқин Шарқдаги муаммони ёппасига бартараф этишга эришиш хусусидаги Совет тинчлик ташаббуслари аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, бу региондаги Совет сиёсати амалий, изчил сиёсат эканини ва Фаластин халқининг манфаатларини эътиборга олишни уқтириб ўтди.

Я. Арафат Миср раҳбарияти билан ФОТ ўртасидаги ихтилофлар хусусида гапириб, Фаластин Озодлик ташкилоти бу ихтилофларни осойишта вазиятда ҳал этишга интилаётганини айтди.

МАШҲУР АФҒОН ШОИРИ ВАФОТ ЭТДИ

КОБУЛ. Машҳур афғон шоири ва ёзувчиси Халилулла Халилий оғир касалликдан кейин вафот этди. Марҳумнинг оиласига ҳамдардлик изҳор қилинган мактублар юбордилар. Мактубларда Х. Халилий ҳозирги замон афғон адабиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги, Апрель революцияси ишини, миллий бирликка эришиш йўлини доимий қўллаб-қувватлашда ўз ифодасини топган унинг мустаҳкам гражданлик позицияси таъкидланади.

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Ленин районининг 10-квартали аҳолиси ободонлаштириш ишларини амалга оширишда ўзбек халқининг азалий одатларидан бири — ҳашар йўлини танлади. Шу кунгача маҳаллаларда ўнга яқин ҳашар уюштирилди. Айниқса, кварталнинг С. Лазо номли, «Новий путь» маҳаллалари аҳолиси намуна кўрсатдилар.

Неча йиллардан бери йўл четидаги ариқлар тозаланмай, ҳас-чўп, лойқа босиб қолган эди. Меҳнаткашлардан Э. Каримов, И. Қодиров, С. Мирражапов, С. Рустамов, Н. Пўлатов сингарларнинг ғайрати туфайли ариқлар тозаланиб, чиқиндилар шаҳар ташқарисидаги ажратилган жойга чиқариб ташланди. Энди ёмғир, қор сувлари йўлга тошиб ётмайдиган бўлди. Бундан ташқари манзарали дарахтлар ўрнига мевали кўчатлар экилди. Ток новдалари сўриларга боғланиб, таглари юмшатилди.

Бошқа маҳаллаларда ҳам кўкаламзорлаштириш ишлари ҳамжиҳатлик билан давом эттирилмоқда.

З. РУСТАМОВА,
ишчи.

ЖОНГА ТЕККАН ЧАККАЛАР

Агар ҳаво булут бўлса, бизнинг подъездда яшовчи 10 та квартиранинг каттадан-кичик одамлари ҳаракатга тушади. Коридор, унга ёндош хоналарнинг полига тўшалган нарсалар йиғиштирилиб, уйидаги жамики тоғора, челаклар, соябон ва ёпинғичлар тайёрлаб қўйилади.

Сиз бунга ажабланманг. Ҳа, бўл-ҳа бўл даврида «мендан кетгунча» қабилида қурилган уйлардан бири — Юнусобод массиви 15-квартал, 62-уйда бугунги кунда аҳвол шунақа.

Наҳотки уй-жойлардан фойдаланиш идорасидагилар буни билишмаса дерсиз. Яхши билишади. Бизнинг подъезд билан 76-ЖЭУнинг ораси роппароса 25 қадам. Аммо ҳеч қандай чора кўришмаётир. Февраль ойи бошида подъездимизда яшовчилар ЖЭУ бошлиғига аҳволни тушунтириб, ариза беришган эди. У «ойнинг охирида тузатилади» деди. Аммо ҳалигача чора кўрилгани йўқ.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Юнусобод массиви 15-квартал, 62-уй.

Илгариги мавзуга қайтамиз

ЯНА ҚАЧОНГАЧА КУТАЙЛИК?

«Тошкент оқшоми»га хатлар рубрикасида 1985 йил 27 сентябрда танқидий хабар босилган, уни шу маҳаллада истиқомат қилувчи ишчи ёзган эди. Унинг газетада босилганига бир йилу етти ой бўлипти. Ҳали ҳам ўша аҳвол. Ҳеч ним келиб бирор чора-тадбир кўрмади.

— Ўтган йили электр симлари анча пастга тушиб, кўчадаги ток (узум) сўриларига тегиб қолди. Шунда авария хизматини чақиришга мажбур бўлдик, — дейди 112-уйда истиқомат қилувчи Т. Абдурасулов, — чунки шамолда симлар бир-бирига тегиб, олов чиқиб кетаверади.

Авария хизматидан келганлар 132 ва 126-уйлар ёнидаги узум сўриларн устига бир-иккитадан тахтани тиқ ўрнатиб, электр симларини уларга боғлаб кетишди. Шамол бўлса, симлар чалишиб, чироқлар ўчиб қоляпти. Буни кўрган одамлар, наҳотки бу кўча эсдан чиқиб кетган бўлса, деб ёқа ушлашмоқда. Бу Дўмбробод кўчасидаги аҳвол.

Худди шундай аҳволни 2-Дўмбробод проездида ҳам учратасиз. Бу проездаги 23-дан 50-уйгача бўлган жойлардаги симёғочлар носозлигидан чироқлар тез-тез ўчиб қоляпти. Дўмбробод маҳалласининг Шаумян кўчасидаги симёғочлар яқингинада темир-бетон билан чаланам-чатти алмаштирилди. Масалан, Шаумян кўчасидаги 25-уйга учта ўрнига иккита эски, улоқ симни тортиб кетишибди. 27-уйга эса эски шнурнинг биттасини ҳатто газ қувурига боғлаб кетишибди. Техника хавфсизлиги қоидасига мутлақо қарши иш қилинган-ку, ахир!

Бундан икки йил илгари айтилган нуқсонлар тузатилмай, газан олиб кетаётган кишини ажаблантирмоқда. Яна қачонгача бу аҳвол давом этади?

Й. МАНСУРОВ.

Луқма

«СУНЪИЙ» ДЕНГИЗ

Баҳор, ёз, куз, қиш — шу тўрт фаслнинг қай бирида Юнусобод массивининг 19-кварталида жойлашган 14-уйга келманг, мўъжазгина «сунъий денгиз»га кўзингиз тушади. Сшириб юборди, дейсизми? Асло. Ишонмасангиз келиб кўринг. Ҳам ишончқосил қиласиз, ҳам чорасизлар дардига шерик бўласиз.

Истиқоматчилар, маҳалла комитетининг раиси Н. Хўжаев, Т. Бойқобилов, Р. Болтахўжаевлар бу хусусда Киров район Совети ижроия комитетига ёрдам сўраб мурожаат қилишди, Шикоятчиларга «Тез орада амалий чоралар кўрилади», дегач ваъда берилди.

Мана эски йил ўтиб, янги йилнинг баҳор кунлари ҳам тугаяпти, бироқ ваъда қилинган халоскорлардан ҳамон дарак йўқ. Вақт ўтиши билан 120 квартира, 12 подъездли 14-айланма уй атрофидан тўхтамай оқиб турган сув кўчаларни тўлдирибгина қолмай уйнинг ертўлаларига оқиб кирмоқда. Бизнингча бу масалани эзудлик билан ҳал қилиш керак. Хуллас, массивнинг 19-кварталида сув босадиган, атрофи ҳалқоб уйлар кўп. Лекин 14-уй шу кварталдаги энг ночор ҳолатдагисидир.

О. БУРИЕВ, Н. ХУЖАЕВ, Э. БОЙҚОБИЛОВ, Р. БОЛТАХУЖАЕВ. Жами 18 имзо.



СУРАТДА: 14-уй олдидаги «сунъий» денгиз.

Калейдоскоп

АЛЬПИНИСТЛАР ТОПИЛМАСИ

Мексикалик альпинистлар 5.286 метрли Истаксиуатль сўнган вулқонига кўтарилишганда қадимги даврга мансуб сопол идишлар, ёғочдан, яшм ва обсиднандан ясалган шаклларни топиб олишди.

Топилмалар шундан далолат берадики, деб ёзади Руминиянинг «Информация Букурешти» газетаси, бир неча юз йиллар аввал ҳиндилар муқаддас ҳисобланган бу ерга кўтарилиб ҳудоларга ўз инъомларини ташлаб кетарканлар. Шаклларнинг тузилишига қараб мутахассислар бу анжомлар ёмғир худоси Тлалоска бахшида этилганлигини аниқлашди.

АНТИҚА МАРКА

Ҳимолайда жойлашган кичкинагина Бутан давлати ўзининг ажабтовур маркалари билан машҳур. Мана — яна биттаси.

Яқинда бу ерда филателистлар учун антиқа марка тайёрланди. Атиргул ва бошқа гуллар тасвири туширилган маркалардан ҳудди ўша ўсимликнинг иси келади ва кишига ҳузур бағишлайди.



Она-Ватанимиз пойтахти Москва кундан-кунга чирой очиб боряпти. Унинг осмонўпар бинолари, кенг кўча ва проспектлари, ҳиёбонлари бу ерга келган ҳар бир кишига олам-олам завқ бахш этади. Сиз ушбу суратда Москва-река томонидан Қизил майдонни кўриб турибсиз.


⊙

Компьютер ҳаётимизга чуқур кириб боряпти. У мураккаб иқтисодий ҳисоб-китобларни олиб боришда ва бошқа кўплаб соҳаларда бизга катта ёрдам беряпти.

СУРАТДА: «Киевнаучфильм» студиясининг режиссёри Наталья Богданенко ва программа тузувчи Роман Бадэр компьютер ёрдамида ўқув фильми учун мультипликация тайёрлашяпти.

ТАСС фотолари.

Жонажон Ватан бўйлаб



Бўстон

Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп... Алишер НАВОИЙ.

Ҳайрат жилвалари

Санъатнинг сеҳрли олами

Ҳаёт бор жойда қувонч бор, алам бор, енгиш бор, енгилиш бор... Одамлар севинганларида куйлайдилар. Мусаввирлар ҳайратланганларида сурат чизадилар.

«Илҳом» ижодкор ёшлар клубида намойиш этилган ёш рассомлар А. Шаржонов, Ж. Раҳмонов ва С. Аҳмедовларнинг асарлари ҳам, бетакрор ҳайратлар сифатида дунёга келган.

Дунёда ҳеч ким болалар сингари олам гўзалликларига ҳайрат кўзлари билан боқа олмаса керак. Бу самимий, беғараз қалб эгалари тонг гўзаллиги-ю, қушлар сайроғи, юлдузлар чақнаши ҳам ирмоқлар қўшиғи — барини ўзгача севинч билан қарши оладилар. Мана, қаршимизда Жўръат Раҳмоновнинг «Ҳайрат» номли сурати. Унинг қаҳрамони — жажжигина қизалоқ. Дўмбоқ қўлчалари билан қанчадан-қанча қоғозларга Қуёшнинг, осмоннинг дарахтларнинг, гулларнинг суратларини чизди у. Сўнг кичкина стулчасидан дераза токчасига чиқиб яхшилаб ўтириб олди-да, очиқ деразадан атрофни кузата бошлайди. Мана энди яхши. Мовий осмон ва кулиб турган қуёш. Баланд-баланд уйлар ва кўм-кўк баҳмал қўйлаклар кийган майсазор. Қизалоқ ўйлаб қолди. Ахир буларнинг қайси бирини чизсин у? Оламнинг бу ранго-ранг жамолини кўчириш учун унинг бўёқлари етарлимикин? Қизалоқ қалбидаги ҳайратларнинг-чи?

Кексалар кўпинча узоқ хаёл суришади. Улар нималар ҳақида ўйлашаркин? Ўтган умр ҳақида эмасми? Кимки ўз ҳаёти давомида одамлар қалбига қанчалик кўп нур олиб кира олган, эзгу ишлари билан инсонлар оғирини енгил қилган бўлса, демак унинг умри зое кетмабди. «Отам портрети» қаҳрамони ҳам турмушнинг аччиқ-чучугини кўп тортган, эл-юрт кўрган, фарзандлар ўстирган кекса инсон. Ҳаётда ундан қоладиган энг яхши нарсалар, — барибир, — унинг фарзандлари! Чунки улар отанинг ишларини давом эттиришади, у ҳаётда қилиб улгурмаган ишларига қўл уришади.

Арашн Шаржоновнинг ўзига хос тасвир услуби унинг расмларида ўз жилвасини топган. Рассом кўпроқ табиат манзараларини — оппоқ-оппоқ булутлар карвони, шарқираб оқаётган сойларни, чўққилари қуёшга пешвоз турган ҳайбатли тоғлар суратини чизади. Унинг «Оқшом» сурати ҳам ниҳоятда гўзал. Қишлоқ узра оқшом чўкмоқда. Уйларда бирин-кетин чироқлар ёнади. Кенг осмонга сочилган юлдузлар шуъласи, оймомининг сирли жилмайишида ҳам — оқшом.

«Янги трасса» номли суратда пойгага отланган велосипедчилар тасвирланади. Ҳаёт ҳам аслида пойгага ўхшайди. Унда ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлади. Кимки йиқилганда ўзига суянч, олға интилиши учун — таянч топа билса, у сира мағлубият нималигини билмайди.

Ўтмишда хотин-қизлар зулм остида яшар, хўрланар эди. Улар эшикдан нари чиқмас, ой юзларини қора чиммат остида беркитиб юришга мажбур эдилар. Мана, бу суратда бизга мамнун боқиб турган қиз А. Шаржоновнинг қаҳрамонларидан бири. Уни рассом «Практикант қиз» деб атабди. Олий ўқув даргоҳидан пахта даласига келган бу студент қиз эрта-индин қишлоқ хўжалик мутахассиси бўлиб етишади. Халқ унинг зиммасига ўз фахри, ифтихори — «оқ олтин» тақдирини юклайди. Қизнинг кўлларида-оппоқ пахта, кўзларида-пахта меҳри, юрагида — пахта ишқи.

Ҳа, ҳаётимиз гўзал, замондошларимиз бахтиёр. Сиз уларнинг ўйлари, интилишлари ўз ифодасини топган ҳар бир суратда ҳаёт нафасини тинглайсиз.

И. РАҲМАТУЛЛАЕВА,
ТошДУ студенти.

Нодир картиналар

Ўзбекистонда миллий кадрлардан истеъдодли рассомлар тайёрлашга таниқли рус мўйқалам усталари муносиб улуш қўшганлар. Жумладан, атоқли санъаткор Н. В. Розанов ҳам бу хайрли ишга яқиндан бош қўшган.

Машҳур рус рассоми И. Е. Репин қўлида ижод сирларини ўрганиб, етук санъаткор бўлиб етишган Н. Розанов эзгу орзулар билан ўзбек диёрига келган эди. Унинг ташаббуси билан Тошкентда 1927 йилда ёш рассомлар студияси очилди. Студияга кўплаб ёшлар жалб этилди. СССР ҳалқ рассоми, машҳур мўйқалам соҳиби Ўрол Тансиқбоев ҳам дастлабки машқларини шу даргоҳда бошлаган эди.

Рассом Н. Розанов яратган қатор асарлар ҳозир Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи фондида сақланмоқда. Булар орасида 1898 йилда яратилган «Автопортрет» картинаси ҳам бор.

Бу каби полотнолар музейда яқинда очилган «Камёб нодир картиналар» кўргазмасига қўйилди.

С. ОДИЛОВА.

Сариқ карточка

(Ҳажвия)

Мен футбол ўйинларини ҳеч қачон қолдирмайман. Шу денг менга айниқса, судьянинг қўпол ўйнаган футболчига сариқ карточка кўрсатиб, уни огоҳлантириб қўйиши жуда қулай, нимага десангиз ҳаммаси сўзсиз тушунарли. Шунинг учун мен ҳам шахсий карточка олиб юришга қарор қилдим. Менга кимдир қўпол-лик қиладиган бўлса, у билан адн-бадн айтиб ўтиришгунча, унга айтилдими — бошқа қайтарилмайди, маъносида сариқ карточкани кўрсатаман.

Эрталаб ишга кетаётганимда уни чўнтагимга солиб олдим. Автобусда ёнимда турган йигит китобини варақлаётиб тирсаги билан туртиб юборди. Аввалларн мен бу пайтда асабийлашиб кетардим, ҳозир эса чўнтагимдан сариқ карточкамни олиб унга кўрсатдим.

— Менга нима учун бу карточкангизни кўрсатаяпсиз, — деб ҳайрон бўлиб сўради.

— Бунн ҳали билмайсизми! Кўзингизни каттароқ очинг! Бу ҳақиқий сариқ карточка, огоҳлантирнш деганн. Сиз футболга қизиқасизми!

— Ҳа ўзимизнинг «Пахтакор»га...

— Ундай бўлса, судьялар қўпол ўйнаган футболчига сариқ карточка кўрсатишини биларсиз! Мен ҳам сизни огоҳлантираяпман. Сиз менн қўлингиз билан туртиб юборднгиз.

— Кечирасиз, мен бехосдан...

— Бундан буён билиб қўйинг, — дедим карточкамни чўнтагимга солиб.

Иш бошланишига озроқ вақт бор эдн. Хўжалик магазинига кирдим.

— Қанн, менга чиройли чойнакдан бнрортасини кўрсатиб юборинг, — дедим.

Сотувчи аёл шовқинидан эшитмадн шекилли, гапимга эътибор бермадн.

— Шундаймн ҳалн, сиз кўрсатмасангиз мана мен кўрсатаман, — дедим. Чўнтагимдан сарнқ карточкамни олиб унга кўрсатдим.

— Кассага марҳамат қилннг, кечирасиз, — дедн сотувчн аёл.

— Нима!! Кассангиздан нима сотиб оламан бу карточкага! — дедим ҳайрон бўлиб.

— Кечирасиз, мен бнр сўмлик узатибсиз деб ўйлабман.

— Яна нималарнн хоҳлайсиз, бнр сўммнш! Бу кўплик қилмайдимн!

— Мен сизга пул эмас, сарнқ карточка кўрсатаяпман.

— Сарнқ карточка нима деганн!

— Футболда шундай, қўпол-лик қилганн учун огоҳлантнрнш берадилар.

Э, э аёл кншн бнлан адн-бадн айтишиб ўтирибманмн!— қўлимнн бир силтаб кетаётгандим:

— Ўртоқ футболчн, мен сизга қандай қўполлик қилдим, — дедн.

— Яна қандай дейсиз! Мен чойнак сўрасам, сиз бўлсангиз ҳеч нарса бўлмаганидек жим турибсиз, — дедимда ўзимнинг ҳам савдо ходимн эканлигнм эсимга тушиб, бир пағона пастга тушиб, индамай чиқиб кетдим.

Ишга келишим билан мени бирга ишлайдиган сотувчилар яхшн кутиб олишди, саломалнкни қуюқ қилишдн. Ишхонада сарнқ карточка кўрсатишга эҳтнёж қолмади, ходимларимиз яхшн «форма»да эдилар. Фақат тушки овқатдан сўнг сотувчимиз кимгадир ноёб молнн кўрсатиб турганида жаҳлим чиқиб, харидор олдида нима дейишимни билмай чўнтагимдан сарнқ карточкамни олиб кўрсатдим.

Иш кунн тугашига бир минут қолганида директоримиз хонасига чақирдн. Айрим молларнн сотишда йўл қўйган хатолар учун коймй бошладн. Бугун хўжайинимизга индамай қўяқолдим. Лекин кейинги вақтларда ҳар кунн койишнн одат қилиб олдн. Бугунгисига тоқатим тоқ бўлиб ортиқча гапириб ўтирмасдан унга сарнқ карточкамнн кўрсатдим.

Директоримиз дарҳол бу нима эканлигнни сезди. У ҳам ашаддий футбол ишқибозн эдн. Судьяларнинг бу замонавий лўнда «тилн» унга ҳам жуда ёқар эдн. Директоримиз менга жавобан чўнтагидан ўзининг карточкасинн олиб кўрсатдн. Фақат уникн сарнқ эмас, балкн қизнл эдн. Бу эса «ишдан четлаштирилдинг» деган маъноии билдирарди...

Талъат АБДУЛЛАЕВ.

Софлик

Зилол тоғ дарёси жўшиб оқарди,
Унга лойқа ирмоқ қўшилди йўлдан.
Бу ҳолга куюниб, маъюс боқардим,
Тинияи софлигин олдирди қўлдан.
Йўқ, кўнгил, шошилиб ясама якун,
Бу ҳолни дафъатан кўрганинг замон.
Лойқани озгина тиндириш учун
Тоза сув ўзини айламиш қурбон.

Отам хотирасига

Қўлларимда гулу кўзларимда нам,
Отам қабри томон етаклар соғинч.
Унинг қўлларини қўмсайди елкам,
Кўксимда бир оғриқ ололмайди тинч.
Қўшилсин дедими сабримга бардош,
Ювилсин дедими қалбимдан ғубор,
Гул тикиб қабрига, тўкиб шабнам—ёш,
Мендан ҳам олдинроқ келибди баҳор.

Шодмон ЖЎРАЕВ.

САВОЛ

Бир назар ташлайлик ўтган умрга,
Хотирга олайлик ҳар дақиқанн.
Туғилдик, яшадик, яшамоқдамиз,
Шумн бор мазмуни ўтган умрни?
Қалбларга берайлик тинимсиз савол,
Боқиб ўтмишимиз йўлига бир дам:
Биз яшай олдикми покиза, ҳалол,
Бўла олдикми деб ҳаётда одам?

Дилшод ҚАЮМОВ.

ТЎРТЛИКЛАР

Табиат бағрида табобат мавжуд,
Гиппократ бўлолсанг саховат мавжуд.
Донолар измида умрибоқийлик,
Нодонлар изида қабоҳат мавжуд.

⊙

Хурофот, майхўрлик эгизак оғу, —
Ҳаётга ёв мангу — ғулғула, қутқу.
Ўзликни унутиш тимсоли дин, май,
Тирик мурда, қайғу, мотам қасри у.

⊙

Атомдек бепоён электрон ҳам,
Оча олур олам сирларин одам.
Соғлиғу тинч меҳнат, бахт ато этур
Космосни билишда қутлуғ ҳар қадам.

⊙

Қуёш ота-она меҳригиёси,
Борлиққа чўкар тун сўнса зиёси.
Ота-она меҳри муаззам дарё, —
Тинса гар дард чекар ҳаёт дунёси.

⊙

Чин севги ахтармас шуҳратни асло,
Ёктирмас серҳашам зийнатни асло.
Ўткинчи ҳавасдек мулкка таянмас,
Тан олмас меҳнатсиз ҳимматни асло.

Машраб ОРТИҚҲЎЖАЕВ.

Умид

Кечаларга бўзлайман узоқ,
Кўзларимда ёшли — илтижо.
Навоий шеърларин сўйлайман,
Навоий руҳимда янги бир дунё.
Деразалар бағрини кечиб,
Хаёлларим сузар қайларга?

Кеча билан улфат тутиниб,
Кезиб юрар, оқар сойларда.
Алдамчи кечалар сўнгги бор,
Умидвор кўнглимга бир олов солди.
Навонийнинг сўнгги ўтинчи —

Шеър дафтари қўлимда қолди.
Ана, кўзларимда тирик Навоий!
Термулар бемордек, дейди: «Мен хаста...»
Девонни бериб қўлимга — Дунёга айланиб кетар у аста.

Сурур

Ёндирмоқ ишқида шайланиб
Бир қўшиқ келади — девона.
Дардини қизғаниб, қизғаниб
Бир қувонч елади — ягона.

О, хаёл ногаҳон бойланиб,
Чилвирдек бўйнимга ташланар.
Юрагим зорланиб, зорланиб
Бир томчи кўз ёшга айланар.

Кўзларим оғрийди, Она Ер
Силкинар қийналиб, қийналиб.
Туғилади яшил майсалар
Заминда айланиб, айланиб.

Ҳабиб АБДИЕВ.



Раққоса Рушана Султонова ўзининг гўзал рақслари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда. У А. Навоий номидаги Ўзбек Давлат катта академик опера ва балет театри саҳнасида бир неча спектаклларда ҳам муваффақиятли қатнашмоқда.

СУРАТДА: Рушана Султонова.

⊙

Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйида турли тўгараклар ишлаб турибди. Айниқса рақс тўгарагининг машғулоти мароқли ўтади.

Х. Солиҳов фотолари.



ТУКЛИ АРИДАН ...НАЖОТ ИСТАБ

Ажойиботлар оламида

Селигер кўли ёнидаги ўрмонларда жойлашган иккита чумоли «шаҳари» муҳофазага олинди, қўриқланадиган бўлди, деб эълон қилинди. Бу ерда уч юзта катта чумолихоналар бўлиб, улардаги миллион-миллион чумолилар ўрмон зараркунандаларини кечаю, кундуз қирмоқда.

Чумоли — одамнинг азалий ва содиқ дўстларидандир. Ҳозир унга тобора эътибор билан қаралмоқда ва ғамхўрлик қилинмоқда. Лекин, масалан, ўргимчакларнинг келтирадиган нафлари тўғрисида одам кам нарса билади. Қора ва сариқ чаён, қоракурт, ўргимчак бийини одам ёктирмаслиги маълум. Айни маҳалда мутахассисларнинг аниқлашларига кўра, уларнинг заҳари медицинада зарур. Дори-дармон, вакцина ва зардоб тайёрлашда уларнинг заҳри илонникидан самаралироқдир. Мамлакатимизда, ҳатто ўргимчак «фермалари» бор. Бу фермаларда 16—20 минг-та ҳашарот боқилади. Чаённинг заҳрини олиш учун ҳашаротлар учун хатарли бўлмаган 6 вольт кучланиш-электр токидан фойдаланилади. Ток чўчиш реакциясини вужудга келтиради ва бунинг натижасида чаён ўзини ҳимоя этиш учун заҳрини сочади.

Ҳозирги вақтда деҳқонлар тукли арига айниқса қизиқиб қолдилар. Улар беда ва йўнғичқанинг табиий мислсиз чанглатувчи ҳашаротлари ҳисобланади. Бу ўтларда бошқа ҳашаротлар, масалан асаларилар «ишлай олмайди», чунки уларнинг тумшуғи қисқароқ бўлади. Тукли ари йўқолдими, бедазор ҳосилдорлиги камайиб кетади.

Олимлар тукли ариларни қўлга ўргатиш ҳаракатидадирлар. Омск, Воронеж областлари, Новосибирск яқинидаги қўриқхоналарда бундай арилар одамлар ер остида ва ҳатто ер устида қурган уяларда яшайди. Эҳтимол, бундай уяларни гуллаб турган бедазорларга келтириб қўйиш мумкин бўладиган кун яқиндир.

О. НЕЗЛОБИН,
ТАСС мухбири.
Москва.

ИЧИМЛИК СУВ ПРОБЛЕМАСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертлари ер юзидаги аҳолидан 1,25 миллиард кишининг етарлик миқдорда сув ичиш имкониятига эга эмас ёки сифатли сув ичишдан маҳрум эканликларини, 1,9 миллиард кишн эса антисанитария ҳолатида яшаётганини таъкидлашмоқда. Бу ҳол Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги собиқ мустамлакаларга тааллуқлидир. Ичимлик сув билан етарли таъминланишнинг дастлабки уч йили мобайнида шаҳар 5 посёлкаларидаги аҳолининг 90 миллиони ва 250 миллион қишлоқ аҳолиси нормал сув ичиш имкониятига эга бўлади. БМТ 1980 йилда ичимлик сув ва нормал санитария ҳолати учун кураш йиллиги эълон қилганидан кейингина ана шундай бўлди.

Уйсизларга чайла

Бошпанасиз Боб Редман деган кимса саккиз йил мобайнида Нью-Йорк марказий паркидаги дарахтлар устига ўн учта чайла қурган. Бундай қилиш таъқиқланганлигига қарамай, у бошпана-кулбаларни шох-шабба билан ниқоблайди ва уларни яшил чангга шундай усталик билан бўяганки, уларнинг чайла эканини билиш қийин бўлган.

Бу чайлалардан ўнтасини Штатлардаги Боб Редманга ўхшаган уйсизлар бошпана сифатида фойдаланадилар. Парк хизматчилари буни яхши билишади, ахир улар ҳам исталган минутда ишсизлар қаторига қўшилиб бошпанасиз қолишлари мумкин-ку.

А. НОСИРОВ тўплаган.

БОЧКАДАГИ КОНВЕРТЛАР

Ҳинд океанидаги Ява оролидан жанубий-ғарбда ҳалқа шаклидаги иккита маржон орол жойлашган. Бу— Кокос оролидир. 1902 йили бу ерда сув ости алоқа кабели ётқизилди, етти йилдан сўнг радиостанция ҳам барпо этилди.

1909 йилда «Морея» лайнери капитанининг хаёлига бир фикр келиб қолди: обҳаво яхши бўлган кезлари кема оролга яқинлашиб, оролдагилар учун мўлжалланган нарсаларни бочкага солиб сувга ташлаши мумкин-ку. Оролликлар эса, бу бочкаларга хат солиб яна сувга ташлашса, уни тутиб олиб, Австралиядаги Фриманте портига топшириш мумкин.

Шундай қилиб, «Кокос оролининг бочкадаги почта хизмати» деб аталмиш ажойиб алоқа воситаси вужудга келди. Орол яқинидан ўтаётган кемалар байроқчалар ёпиштирилган бочкаларни сувга ташлайдилар, оролликлар эса дарҳол қайиқларини ишга солиб, кема томон тез сузиб борадилар ва кеманинг бурун қисмига ўз «почта» бочкаларини ташлайдилар. Бу бочкаларни кемага олиб чиқишда матрослар махсус илгакдан фойдаланадилар. Почта оқ рангдаги ғалати банкаларда бўлиб, унга «Кокос оролининг бочкадаги почтаси» деган муҳр босилган.

Даставвал орол қирғоқларидаги сувнинг чуқурлиги яхши текширилмаганлиги сабабли кемалар оролга яқинлашмасликка ҳаракат қилишардн. Шундай пайтлар бўлардики, об-ҳаво ёмон бўлгани учун қайиқдагилар орқага қайтолмай кемаларда Австралияга келиб қоладилар.

1963 йили Кокос оролида Австралия, Осиё ва Африка мамлакатлари ўртасида қатнайдиган самолётлар учун аэродром қурилди. Ҳозир икки ҳафтада бир марта «ҳаво кемаси» оролга келиб қўнаётганлиги учун хат-хабар, озиқ-овқат юбориш масаласи анча тезлашган. Бочкадаги почта эса саёҳатчиларнинг диққатига сазовор томоша жойи бўлиб қолди, холос.

М. АСАДУЛЛАЕВА
тайёрлаган.

НОЁБ КОЛЛЕКЦИЯ

Почта маркалари жуда кўп тарқалганки, санаб саноғига етолмайсан, киши! Бу ўзига хос ажойиб бойлик бутун жаҳон ҳалқлари маданияти ёдгорлиги сифатида эъзоз топган.

Агар Ленинграддаги А. С. Попов номли марказий алоқа музейида бўлсангиз, бу каби ранг-баранг почта маркалари намуналари билан яқиндан танишасиз. Бу ерда маркалар хазинаси жамланган.

Бундай коллекция 1872 йилда тузилган эди. Ўшанда ундаги маркалар сони 10 мингга яқин эди. Эндиликда эса бу рақам янада кўпчиликни ташкил этади.

Музейда дастлабки конверт ва маркалар ҳам бор. Улар Россия, Хитой, Туркия каби мамлакатлардаги почта идораларида фойдаланилганди. Булар фундаментал альбомдан иборат коллекциялардан ўрин олган.

Маркалар хазинаси бўлмиш мазкур музейга кунда-кунаро сон-саноқсиз конверт ва марка бандеролляри ҳам келиб турадн. Уларнинг бир қисми почта союзига аъзо бўлган ташкилотларга юборилади.

Суд залидан

Ҳамтовоқларнинг миси чиқди

— Сиз нима қилиб юрибсиз?

— Ўзингизчи!

— Биласиз-ку, биз соддадил одамларни алдашни савоб деб биламиз.

— Биламан, биламан, сиз қанча одамни, қандай қилиб алдаганингизни. Қани, бир тажрибаларингиздан гапиринг-чи?

Тамагир тамасини, ўғри нағмасини деганларидек тасодифан учрашиб қолган Н. Бекетова ва З. Надолинскаялар-нинг ўзаро танишуви шу тарзда бошланди.

— Мен Нелля Бекетова 1983 йилдан 1985 йилгача Киров районидаги 37-турар-жойлардан фойдаланиш участкасининг ҳисоб бўлимида бухгалтер бўлиб ишладим. Одамларга ўзимни «меҳрибон» қилиб кўрсатдим. Квартира пулларини кассага олиб бориб тўлашга овора бўлмасдан менга олиб келинглар, тўлаб қўяман деб «холис хизмат» қила бошладим. Соддадил одамлар суюниб кетишди. Одамларнинг ишончи ғайратимга ғайрат қўшди, мени янада дадил ҳаракат қилишга ундади. Юнусобод массивидаги 13-квартал, 49-уй, 20-хонада яшовчи Суннатовадан 2—3 йиллик квартирага тўлаш керак бўлган 531 сўм 10 тийинни олиб, давлат кассасига 31 сўм 10 тийин ўтказиб, квитанциянинг иккинчи нусхасига беш рақамини ёзиб, 531 сўм 10 тийин қилиб тўғрилаб бердим. Буни қаранг-ки, ҳужжатлардай бемазаси йўқ экан. Сиримни очиб қўйди-я?! Э, нима қилиб қўйдим-а?

— Бор-йўқ айбинг шумн? хахолаб кулди З. Надолинская, — ношуд экансан.

— Йўқ, жудаям ношуд эмасман. Соддадил одамларнинг кўпини алдаганман. Толиповни, Маъдиевани, Мирзажоновани, Саркисованн, Эдемовани, Томинани, Капиловани... Идорамга қарашли бўлган анча-мунча одамларни шу йўл билан алдаб, жами ўн беш кишидан 5038 сўм олиб, кассага 460 сўмни ўтказиб, қолган 4578 сўмини ҳамёнга урдим.

— Барибир менга ўхшаган уддабурон эмас экансан. Кичкина идорада ишлаб дарров қўлга тушибсан.

— Мени зўрга қўлга туширишди, — деб гап бошлади Зинаида Надолинская. — «Узбексельмаш»нинг марказий бухгалтериясида ҳисобот бухгалтери бўлиб ишлаб, М. Денисов билан биргаликда ўн ишчи билан келишиб, мунтазам равишда ноқонуний ведомостларни киритиб, давлат маблағини ўзлаштирдим. Ишчиларга ёзилган пулдан уларга 50 сўмдан бериб, қолганини ўзимиз чўнтакка урдик.

— Бор-йўғи 8765 сўм 20 тийингина давлатга зарар етказибман.

— Ўҳ-ў... Ҳавасим келиб кетяпти...

— Мана, тажрибаларимиз билан ҳам ўртоқлашдик.

— Ҳм... Лекин сенинг ҳам, менинг ҳам усталигимиз қамёққа борди?

— Очиқ ўғрилик ҳам қилганмисан?

— Йўғ-э, бизнинг ишимизни ўғрилик демоқчисан?

— Ия-я, — хахолаб кулиб юборди З. Надолинская, — албатта ўғриликда...

Пулга тузоқ қўйган бу тамагирлар қаерда ҳасратлашишаётгани зукко газетхонларга аён бўлган бўлса керак. Қинғир ишнинг қийиғи тамагир, «беминнат ҳомжатбарорлар»нинг ҳам миси чиқди. Кўза кунда эмас, кунида синади деганлари шу бўлса керак-да!

С. НОРХЎЖАЕВ,
Киров район прокурори.
З. ШОДИЕВА,
журналист.

Биласизми?

Кенг маънодаги сўз

Шифокорларни ҳурмат қилиб кўпинча «доктор» деб атаймиз. Бу сўз дастлаб қадимги Римда пайдо бўлган. Ўшанда у «муаллим» деган маънони англатарди.

Кейинчалик «доктор» сўзи кенг маънода ишлатила бошланди. Олий ўқув юртлари — университетлар ташкил этилгандан сўнг бу сўз илмий даража маъносини билдирадиган бўлди.

Оғзаки нутқда «врач» сўзига маънодош бўлган бу термин айрим мамлакатларда илмий унвон сифатида ишлатилади. Совет Иттифоқида эса «фан доктори» юқори илмий даражани англатади.

Ҳамид Шароповнч ИНОЯТОВ

Тарих фанлари доктори, профессор, 1942 йилдан КПСС аъзоси Ҳамид Шароповнч Иноятов 1987 йил 5 майда вафот этди.

Ҳ. Ш. Иноятов 1912 йил 29 декабрда Бухорода камбағал деҳқон оиласида туғилди. 1936 йили Самарқанддаги Ўзбекистон давлат университетининг тарих факультетини тугатганидан сўнг у олий ўқув юртларида ўқитувчи, Тошкент шаҳар партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири вазифасида, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг аппаратида ишлади, 1959 йилдан умрининг охирига қадар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институти Октябрь революцияси ва гражданлар уруши тарихи бўлимининг мудири бўлиб ишлади.

300 дан зиёд илмий ишлар, гражданлар уруши тарихи, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Совет ҳокимиятининг ғалабаси проблемаларига доир йирик монографик тадқиқотлар унинг қаламига мансуб. У «Ўзбекистон ССР тарихи», «Самарқанд тарихи», «Ўзбекистон ССРнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги тарихи» кўп томликларининг ҳаммуаллифларидан бири ва редколлегия аъзоси эди, 1962 йилдан эса СССР Фанлар академияси «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тарихи» илмий совети Ўрта Осиё секциясининг раиси эди. Унинг илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги фаолияти ҳам самарали бўлди.

Тарих фанини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ҳ. Ш. Иноятовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилган эди.

Таниқли тарихчи олим Ҳамид Шароповнч Иноятовнинг хотираси унинг сафдошлари ҳамда шогирдлари қалбида мангу сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/V да **Коппелия**, 13/V да **Дунёнинг яратилиши**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да **Отелло**, 13/V да **Курорт**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/V да **Узилган торлар**, 13/V да **Паранжи сирлари**.

Кино

11 МАЙДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХАТАР АЛОМАТИ»—**Санъат саройи** (17, 20.00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34), **Тинчлик** (16, 18.30, 21.00)

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА» — **Чайка** (16.20, 19, 21.30; телефон 47-49-11), **Ватан** (16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69), **Москва** (16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«СОЛЯРИС» — **Қозоғистон** (21.00; телефон 47-49-11).

«КИН-ДЗА-ДЗА» —**Қозоғистон** (17.00, 18.20; телефон 35-24-92), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00; телефон 33-44-52), **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

«ХОТИРЛАШ» — **Дружба** (16, 18, 20.00; телефон 66-15-75), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Дружба** (17, 19, 21.00; телефон 66-15-75).

«ВИЙ»—**Тошкент Советининг 50 йиллиги** (16, 18, 20, 21.30; телефон 78-47-25).

«ОЙ ЖАЗМАНЛАРИ» —**Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (17, 19, 21.00).

«ПАНТЕРАНИНГ УЧ ҚАРРА ҲАМЛАСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЗЎР ЎТИРИБМИЗ!» —**Искра** (16, 18, 20.00; телефон 39-14-59) **Фестиваль** (21.30).

«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР»— **М. Шайхзода номли** (16, 18.30, 20.45).

«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ» —**Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

«ЗОЛТАН, КАРПАТИНИНГ ТАҚДИРИ»—**К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ДЕЛЬФИН НОЛАСИ» — **Хива** (21.30).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — **Янгнобод** (тоқ соатларда).

12 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХАТАР АЛОМАТИ»—**Санъат саройи** (11, 14, 17, 20.00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34), **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА» — **Чайка** (11, 13.30, 16.20, 19, 21.30; телефон 47-49-11), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«СОЛЯРИС» — **Қозоғистон** (11, 21.00; телефон 47-49-11).

«КИН-ДЗА-ДЗА» —**Қозоғистон** (12, 14, 15, 17.00, 18.20; телефон 35-24-92), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52), **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

«ХОТИРЛАШ» — **Дружба** (12, 14, 16, 18, 20.00; телефон 66-15-75), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Дружба** (11, 13, 15, 17, 19, 21.00; телефон 66-15-75).

«ВИЙ»—**Тошкент Советининг 50 йиллиги** (12, 14, 16, 18, 20, 21.30; телефон 78-47-25).

«ОЙ ЖАЗМАНЛАРИ» —**Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

«ПАНТЕРАНИНГ УЧ ҚАРРА ҲАМЛАСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЗЎР ЎТИРИБМИЗ!» —**Искра** (12, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59), **Фестиваль** (21.30).

«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР»— **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«СЕВГИ ВА КАБУТАРЛАР» (ўзбек тилида)— **Ҳамза номли** (13.00).

«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ» —**Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

«ЗОЛТАН КАРПАТИНИНГ ТАҚДИРИ»—**К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ДЕЛЬФИН НОЛАСИ» — **Хива** (21.30).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — **Янгнобод** (тоқ соатларда).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ
ТОШКЕНТЛИКЛАР!

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ

Сизларни қулай «М. Калинин» ва «М. Ульянова» теплоходларида Буюк Сибирь дарёлари —Обь ва Иртиш бўйлаб мароқли саёҳатга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Саёҳат маршрутлари:

Новосибирск-Тобольск, 25 майдан бошлаб ва Новосибирск-Салехард, 1 июндан бошлаб 19 кунга.

Путевка баҳоси (каюталарнинг классига қараб) 160 сўмдан 330 сўмгача,

Москвага — май, июнь, сентябрь— декабрда, 12 кунга;

Ленинград жанубидаги туристик базага — сентябрь-декабрда, 10, 14 кунга;

Украина бўйлаб —июнда, 20 кунга;

Теплоходларда: Ленинград-Астрахань— сентябрда, 22 кунга.

Июнь, август, сентябрда 18 кунга Иссиқкўлга;

Июнь, августда 15 кунга Кустанай яқинидаги «Лесная» туристик базасига пиёда сафарга чиқиш учун путевка буюриш мумкин.

Адрес: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспекти, 35-уй.

Справкалар учун телефон — 41-80-15.

241-МАКТАБ ЭКСТЕРНЛАР УЧУН ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА ВА ЎРТА МАКТАБЛАР ПРОГРАММАСИ АСОСИДА

ўзбек тилида
Куйбишев, Киров ва Ҳамза районлари учун

ИМТИҲОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Экстернат тартибида имтиҳон топшириш учун тўлиқсиз ўрта мактаб курси бўйича 16 ёшдан кам бўлмаган, ўрта мактаб курси бўйича 18 ёшдан кам бўлмаган шахслар киритилади.

Аризалар 1987 йил 25 майгача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент-77, Национальная кўчаси, 1-уй. Телефон 67-28-18.

12—17 МАЙ КУНЛАРИ
«ЧИЛОНЗОР» ЦУМида
«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тикилган

БАҲОРГИ-КУЗГИ ВА ҚИШКИ АЁЛЛАР ПАЛЬТОЛАРИНИНГ КЎРГАЗМАЛИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Пальтолар замонавий газмоллардан модага мос тикилган бўлиб, ёқаси нодир қоракўзан ва тулки мўйнасидан тайёрланган.



«ЧИЛОНЗОР» ЦУМи (телефон 77-14-31).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

АВТОТУРИЗМ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН!
ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЁВКАЛАРИНИ СОТИШ БЮРОСИ

АВТОТУРИСТЛАРГА
ЎЗ ШАХСИЙ АВТОМОБИЛИДА ЎРТА ОСИЁ БЎЙЛАБ МАРОҚЛИ САЁҲАТГА ЧИҚИШ УЧУН

ПУТЁВКАЛАР ТАКЛИФ ЭТАДИ

МАРШРУТ ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН БОШЛАНИБ У ЁҒИГА ҚИРҒИЗИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН БЎЙЛАБ ДАВОМ ЭТАДИ.

Саёҳат вақтида туристлар ЯНГИОБОД, ФАРҒОНА шаҳарларида, «ШОҲИМАРДОН» туристик базасида, АНДИЖОН, ФРУНЗЕ ва ОЛМАОТА шаҳарларида бўлишади.

Маршрут — 15 кун давом этади, путёвка баҳоси — 108 сўм.

Овқатланиш, яшаш, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

САФАРГА — 25 АВГУСТ ВА 10 СЕНТЯБРДА ЖЎНАЛАДИ.

Путёвкалар сотиш бюроси, шунингдек май ойидан бошлаб декабрь ойигача Бутуниттифоқ маршрутларига ҳам туристик путёвкалар таклиф этади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 115-уй (метронинг — «М. Горький» станцияси). Телефон —67-84-07.

ДИҚҚАТ!

Э „ЭЛЕКТРОНИКА"

РЎЗҒОРБОП, СТАЦИОНАР, РЕВЕРСИВ, 4 ЙЎЛКАЧАЛИ, 2 ХИЛ ТЕЗЛАНИШГА ЭГА БЎЛГАН

«ЭЛЕКТРОНИКА-004С-СТЕРЕО»

СТЕРЕОФОНИК

МАГНИТОФОН-ПРИСТАВКАНИ ХАРИД ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Магнитофон-приставка юқори даражада мураккаб тузилган бўлиб, нутқ ва музика программаларини лентага юксак даражада сифатли ёзиб олиш ва уларни кейинчалик ёки айни бир вақтнинг ўзида радиокарнайли ташқи стереокучлантиргич ёки қулоққа ўрнатиладиган стереотелефонлар орқали қайта эшитиш учун мўлжалланган.

МАГНИТОФОН-ПРИСТАВКА ШУНГА ЎХШАШ БОШҚА «ЭЛЕКТРОНИКА-004С» АППАРАТЛАРИДАН ҚУЙИДАГИ АФЗАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ФАРҚ ҚИЛАДИ:

3 моторли лентани тортиб ўрайдиган механизм иши юксак даражада автоматлаштирилган;

тирқишли режимда ишловчи шовқин пасайтиргич система мавжуд.

Баҳоси — 1414 сўм.

Габарит ҳажми: 495х458х220. Оғирлиги — 27 кг.

Адрес: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Тошкент «Электроника» фирма магазин-салони. Телефон — 33-89-12.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Контролёр-кассирлар тайёрлаш бўйича

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ВА

озиқ-овқат молларининг кичик сотувчиларини тайёрлайдиган

4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8 — 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАДА ТУРУВЧИ ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Айни вақтда кишиларнинг ёшидан қатъий назар кассирлар тайёрлайдиган бир ойлик курсларга ҳам тингловчилар қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия берилади.

УҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқувчилар айни бир вақтда кечки мактаб ёки савдо техникумида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Мактаб-магазинни битириб чиққанлар шаҳардаги йирик магазинларга ишга юборилади-лар ва уларга имтиёзли шартлар билан совет савдоси техникумининг кечки бўлимига ўқишга киришлари учун имконият яратилади.

УҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси 65-уй (1, 3, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайлар; 2, 3, 32, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати).



Пазандалик ҳам санъат

ОШПАЗЛАР ВА ОФИЦИАНТЛАР МАКТАБИДА ХУШХЎР ТАОМЛАР ТАЙЁРЛАШ, ДАСТУРХОННИ ЧИРОЙЛИ БЕЗАТИШ СИРЛАРИ ЎРГАТИЛАДИ.

ШУНДАЙ МАКТАБ «ЗАРАФШОН» РЕСТОРАНИ ҚОШИДА ИШЛАБ ТУРИБДИ.

МАКТАБГА ТОШКЕНТДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН, 8 ВА 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ —ошпазлар учун 11 ой, официантлар учун — 6 ой.

Ўқувчиларга ҳар ойда 54 сўмдан 60 сўмгача стипендия тўланади.

БИТИРУВЧИЛАРГА III РАЗРЯДЛИ ОШПАЗ ЁКИ ОФИЦИАНТ МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИНИНГ КАДРЛАР БЎЛИМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: Б. Хмельницкий кўчаси, 22-«а» уй (3-троллейбусда «Пединститут», 2, 6, 11, 14-троллейбусларда, 7, 11, 51, 77, 97-автобусларда «17-поликлиника» бекатигача борилади). Телефон 55-74-61.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ.

ЭРКАКЛАР УЧУН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР



ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

ЭРКАКЛАРГА ТУРЛИ УСЛУБДА ТИКИЛГАН КУЙЛАКЛАР, ШИМЛАР, ШЛЯПАЛАРНИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Сиз ҳар хил моделдаги кўйлаклардан ёшлар, ўрта ёшлилар, кексалар учун мосларини танлаб олишингиз мумкин.

Чунончи, сидирға ва ранг-баранг, катак-катак, бурмали, кўчирма ёқали кўйлаклар мавжуд. Уларни Қўқон, Наманган тикувчилик корхоналари ишлаб чиқарган. Шунингдек трикотаж матолардан тикилган кўйлаклар ҳам сотилмоқда.

ЦУМДАН ЭРКАКЛАР УЧУН ТУРЛИ РАЗМЕРДАГИ ШИМЛАР ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН. ШИМЛАР ТОШКЕНТ, АНДИЖОН, ХОРАЗМ ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ТИКИЛГАН.

МАМЛАКАТИМИЗДА ВА ЧЕТ ЭЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЁЗБОП ШЛЯПАЛАРГА ҲАМ ЭЪТИБОР БЕРИНГ. КЕНГ ВА ЎРТАЧА СОЯБОНЛИ ҲАР ХИЛ КАПРОН ШЛЯПАЛАР МАВЖУД

ЦУМ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

«Ўзбекконцерт»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
22 ва 25 май соат 19.30 да
23 ва 24 май соат 15.00 ва 19.30 да

«СИЗ ЁҚТИРГАН КУЙЛАР»

ТАТАРИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

РСФСР ВА ТАТАРИСТОН АССР ХАЛҚ АРТИСТИ
Илҳом ШОКИРОВ

солистлар: Хамдуна ТЕМИРГАЛИЕВА, Ғозинур ФАРУХШИН, Искандер БИКТАГИРОВ, Зейра ШАРИФУЛЛИНА, Салим МИФТАХОВ.

ҚОЗОН МОДАЛАР ТЕАТРИ.
ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ.

Концертларни — Фирдовси ХАЛИЛОВ ва Зайтуна ЯРУЛЛИНА олиб боради.

Постановкачи-режиссёр — Марат ТАЗЕТДИНОВ.

Билетлар СССР Халқлари Дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.

Харидорлар билан учрашув кунлари

КУЙБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИ

АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА ХАРИДОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР УЮШТИРМОҚДА

СИЗ АНА ШУ КУНЛАРИ САВДО ИДОРАСИ ВАКИЛЛАРИГА ЎЗ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ БИЛДИРИШИНГИЗ МУМКИН.

15 МАЙДА СИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДА КУТИШАДИ:

76— Гулсара кўчаси, 30-уй;
21/1 — «ТТЗ» массиви, 33-уй;
27 — «Қорасув» массиви, 23-уй;
18 — «Шимолий Шарқ— 2» савдо маркази;
26 — Икромов кўчаси, 3-уй;
28 — Грампластинкалар кўчаси, 50-уй;
43 — Ф. Хўжаев кўчаси, 20-уй;
12 — Бабушкин кўчаси, 56-уй;
57 — Ҳирот кўчаси, 10-уй;
58 — Островная кўчаси, 14-уй;
69 — Археологическая кўчаси, 63-уй;
9 — «Ветеран» — М. Горький проспекти, 75-уй;
39 — Дагистон кўчаси, 45-уй;
36 — Советская кўчаси, 21-уй;
71 — Луначарское шоссеси, 369-уй;
10 — «ТТЗ» массиви, 20-уй;
19/1 — Майсара кўчаси, 11-уй;
34/1 — Луначарское шоссесининг жанубий томони;
1/1 — Куйбишев майдони, 36-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИ

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШПЛОДООВОЩҲПРОМ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САНОАТ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
11-майдан бошлаб
МЕВА-САБЗАВОТЛАР БАҲОСИ ЎЗГАРИШИНИ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ
(1 килограмм учун сўм, тийин ҳисобида)

	ЭСКИ НАРХИ	ЯНГИ НАРХИ
редиска (барги билан)	0-10	0-08 (мавсум охиригача)
янги карам	0-50	0-46 (16 майгача)
янги йирик бодринглар	1-50	1-16 (21 майгача)

Справкалар олиш учун телефон 53-32-49.

АБИТУРИЕНТЛАРГА ДИҚҚАТ!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги умумий таълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларини
13 МАЙ СОАТ 15.00 ДА

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»ГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

УНИВЕРСИТЕТ МАДАНИЯТ САРОЙИДА

География, геология, математика, химия, физика, биология, тупроқшунослик, ўзбек филологияси, роман-герман филологияси, журналистика, амалий математика ва механика, шарқ факультетлари учун.

Адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУнинг маданият саройи (28, 34, 47, 87, 10, 100-автобуслар; 8, 18-троллейбусларнинг «Студентлар шаҳарчаси» бекати).

Тарих, фалсафа-экономика факультетлари учун — Энгельс кўчаси, 60-«а» уйда;

Юридик факультети учун — К. Маркс кўчаси, 35-уйда;

Рус филологияси факультети учун — Навоий кўчаси, 36-уйда.

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«Ташкентмясо» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашманинг кекса ходими, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Болта ҚОДИРОВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Акмал Икромов район халқ маорифи бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз комитети ҳамда 245-ўрта мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси **Майя ШОМАНСУРОВА**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Газета ўзбек ва рус тилларида мустақил бир йилда 300 марта чиқади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08,74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58,85; фан ва ўқув юртлари — 32-53,10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55,32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33,29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33,99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56,84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 12741. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.00 да қўл қўйилган (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2121. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Индекс 64690.